

А Ж Р И М

(жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш тўғрисида)

2024 йил июнь ойининг 6 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди, [REDACTED] биносида, сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи, судья [REDACTED], судья ёрдамчиси [REDACTED] котибалигида, тарафлардан [REDACTED] гумонланувчи [REDACTED] ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан гумонланган:

[REDACTED] миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

нисбатан [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Иш ҳужжатларига кўра, 2024 йил 8 май куни соат 15:30дан 16:30 гача бўлган вақт оралиғида [REDACTED] олдида жойлашган болалар ўйингоҳида ўйнаб ўтирган вояга етмаган [REDACTED] тегишли нархи 1.800.000 сўм бўлган “ [REDACTED] ” русумли телефон аппаратини, ҳамда телефон аппаратинг ҳимоя ойнаси нархи 30.000 сўм бўлган ҳамда 40.000 сўмлик тариф режали симкартасини ўғирлаб кетиб номалум томонга яширинган.

Гумонланувчи [REDACTED] суд мажлисида ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқроп эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида ярашув тўғрисидаги ариза тақдим қилиб, гумонланувчи [REDACTED] нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тушунганлигини айтиб, жиноят ишини тугатишни сўрашди.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқрор бўлган бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи [REDACTED] ҳамда гумонланувчи [REDACTED] ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Юнусобод туман прокурори ёрдамчисининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини, адвокат [REDACTED] тарафларнинг ярашганлиги сабабли ишни тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумонланувчининг айбига иқрорлиги, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, ярашув гумонланувчи ва жабрланувчининг бирон-бир тазйиқсиз, ўз хоҳиши билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят, ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, [REDACTED] нисбатан жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шунингдек суд, жабрланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан гумонланган [REDACTED] о`g`li)га нисбатан жиноят иши, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи [REDACTED] мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн сутка ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи [REDACTED]

